

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси


“Филология, психология ва педагогика фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
1	<p>Хореография санъати орқали имконияти чекланган болаларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган мультимедиа маҳсулотини яратиш</p>  	<p>Тадқиқот шакли: оширишга қаратилган мультимедиа маҳсулотини яратилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - имконияти чекланган болаларга таълим бериш самарадорлигини хореография санъати орқали ошириш бўйича конкрет илмий тадқиқот амалга оширилади; - имконияти чекланган болалар таҳсил оладиган мактаб-интернатлар учун “Ўзбек рақси жозибаси” номли махсус электрон ўқув қўлланма тайёрланиб, нашр этилади; - “инклюзив таълим: имконияти чекланган болалар ва рақс санъати” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилади; - оммавий ахборот воситаларида имконияти чекланган болаларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишда рақс санъатининг ўрни мавзусида чиқишлар қилинади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш ва жорий қилиш: Олинган натижалар имконияти чекланган болалар таҳсил оладиган мактаб-интернатларда тажриба-синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,4 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,4 млрд сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,8 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Филология, педагогика ва психология фанлари” йўналиши

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
1	<p>Умумтаълим мактаблари учун она тили ва адабиёт фанларидан услубий қўлланмалардан иборат мультимедиа маҳсулотини яратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Умумтаълим мактаблари учун она тили ва адабиёт фанларидан услубий қўлланмалардан иборат мультимедиа маҳсулотини яратилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари: Лойиҳа натижасида она тили, ўқиш ва адабиёт фанларидан комплекс тарзда ўқув-услубий таъминотлар яратилади. Яъни ҳар бир синф учун фанлар кесимида методик қўлланмалар, баёнлар ва диктантлар тўпламлари, ўқувчиларда иншо ёзиш кўникмаларини шакллантирувчи методик манбалар, мавзулар бўйича методик тавсиялар, тарқатма материаллар, кўргазмали воситалар, юқори малакали мутахассисларнинг иш тажрибаларидан намуналар, фанлараро интеграцияни таъминловчи қўлланмалар, интеллектуал ва қизиқарли топшириқлар, ўқув луғатлари, иш, ёзув ва ўқиш дафтарлари, фанларни мукамал ўзлаштиришга имкон берадиган мультимедиа дастурий маҳсулотлар яратилиши режалаштирилган. Шунингдек, лойиҳа доирасида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун ҳам “Ўзбек тили” (“Давлат тили”) фанидан материаллар тайёрлаш кўзда тутилган.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">0,7 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			0,7 млрд сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 2,1 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Филология, психология ва педагогика фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Қишки спорт турларида спортчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини назорат қилиш ва баҳолаш учун 3D веб портални яратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: қишки спорт турларида спортчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини назорат қилиш ва баҳолаш учун 3D веб портални яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қишки спорт турлари бўйича спорт ўйинларига тайёргарлик кўриш учун Ўзбекистон миллий терма жамоаси спортчиларига илмий-услубий ёрдам кўрсатилади; - спортчиларда йўл қўйиладиган биокинематик ва биодинамик хатолар аниқланади ва бартараф этилади; - спорт машқлари ва мусобақа юкламаларини бажаришда спортчиларнинг кинезиологик тизимларнинг ҳолати кузатилади; - спорт машғулотининг босқичлари ва даврларни амалга ошириш жараёнида ўқув-машғулот юкларининг ҳажми ва интенсивлиги оптималлаштирилади; - жисмоний спорт турлари ва спортчиларнинг функционал параметрлари асосида тананинг ҳолатини баҳолашнинг аниқ усуллари ишлаб чиқилади; - спортчиларнинг интенсив тайёргарлик босқичларида ва мусобақаларда иштирок этишида мослашувчанликнинг олдини олиш воситалари ишлаб чиқилади; - юқори даражадаги спортни ривожланиш учун ахборот-таҳлилий 3D веб портали яратилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш ва жорий қилиш: Қишки спорт турларига спортчиларни тайёрлашда уларнинг ҳаракат тайёргарлигини назорат қилиш ва баҳолаш бўйича 3D методикаси миллий терма жамоаларнинг тайёргарлик жараёнларига, спорт муассасаларига тадбиқ этилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center">1,0 млрд сўм</p>
Жами йиллик:			1,0 млрд сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 3,0 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.*